

ТУРКИЙ ДУНЁ ХАРТИЯСИ

МУҚАДДИМА

Туркий давлатлар ўртасида умумий тарихий ришталар, муштарак тил ва маданият уйғунлигига асосланган ҳамкорликни янада ривожлантиришни таъкидлаб,

Тилда, фикрда ва ишда бирлик ғоясини илгари сурган ҳолда туркий халқлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришни мақсад қилиб,

Туркий халқларни нафақат шонли ўтмиш, балки бугунги кун ва келажакка муштарак қарашлар ҳамда Ўрта Осиё, Кавказ, Анadolу, Европа, Қора денгиз, Болқон ва Ўрта ер денгизини қамраб олган кенг жўғрофияда бирлаштириб туришини инобатга олиб,

Қадимги Туркий давлатлардан тортиб токи ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган буюк Туркий давлатчиликнинг тарихий ролини учинчи минг йилликда Туркий интеграцияни янада кучайтиришга муҳим асос сифатида эътироф этиб,

Буюк Ипак йўли бўйлаб, Туркий Исломгача ва Туркий-Ислом Олтин Асрининг вакиллари бўлган буюк аждодларимизнинг ҳаёти, ишлари ва меросини олқишлаб, уларнинг ноёб Туркий ўзликни шакллантириши ва ривожлантириши орқали инсониятга, хусусан, илм-фан, фалсафа, илоҳиёт, адабиёт ва санъатга қўшган улкан ҳиссасидан илҳомланиб,

Ҳар қандай цивилизация умумий тил ва ёзув ҳамда умумий диний ва мафкуравий қадриятлар каби асосий устунларга таянишини тан олиб,

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатлар раҳбарлари ўртасидаги самимий дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, фаол мулоқотлар кўп томонлама ҳамкорлик ривожига катта туртки бўлаётганини қайд этиб,

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битими, Туркий дунё нигоҳи-2040, Остона Акти, Туркий давлатлар ташкилоти доирасида қабул қилинган қарорлар ва бошқа

ҳужжатлар асосида туркий ҳамкорликни янада кенгайтиришни назарда тутиб,

БМТ Низоми ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига, хусусан, суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, чегараларининг дахлсизлиги ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига содиқликни ифодалаб,

Биз Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари ушбу Хартияни қабул қилдик:

I. МАҚСАДЛАР ВА ТАМОЙИЛЛАР

Хартия мақсадлари

Хартиянинг мақсади қардош Туркий давлатлар ўртасида туркий ўзига хосликка асосланган кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, умумий тарих, маданият ва анъаналарни тарғиб қилиш ва тил билан боғлиқ ришталарни мустаҳкамлашдан иборат.

Хартия халқаро ҳуқуққа мувофиқ халқаро шартнома ҳисобланмайди.

Асосий тамойиллар

Хартияни ҳаётга татбиқ этишда қуйидагилар асосий тамойиллар сифатида эътироф этилади:

- қардошлик ришталарининг устуворлиги;
- бирдамлик руҳининг доимийлиги;
- умумий Туркий макон;
- Туркий мероснинг умумийлиги;
- мултикултурализм ва динларга нисбатан ҳурмат;
- халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик.

Қардошлик ришталарининг устуворлиги

Туркий давлатлар халқлари умумий тарих, маданият, анъаналар, тил, дин ҳамда кадриятлар муштараклиги асосида қардошдирлар. Ушбу қардошлик ришталари Туркий давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосини ташкил этади.

Туркий давлатлар ўзларининг миллий қонунчилигига мувофиқ, амалий ҳамкорликда қардошлик руҳини янада тарғиб қилиш бўйича зарур чораларни кўрадилар.

Туркий давлатлар ўртасидаги барча соҳалардаги ҳамкорлик миллий суверенитет ва уларнинг халқаро мажбуриятларини тўла ҳурмат қилган ҳолда, қардошлик руҳи асосида бундан буён ҳам ривожланиб, тараққий этиб бораверади.

Туркий давлатлар ўз аҳолиси ўртасида қардошлик алоқаларини ривожлантириш ва кенгайтиришга ҳисса қўшадиган давлат муассасалари, халқаро ташкилотлар, уюшмалар, илмий ва медиа доиралар, хусусий сектор, ақл марказлари ва жамоа фикри сардорлари фаолиятини рағбатлантирадилар.

Бирдамлик руҳининг доимийлиги

Барча туркий давлатлар ҳар қандай бахтли ва қайғули дамларда ҳамжиҳатлик ва бирдамлик руҳида бирга эканликларини эътироф этадилар.

Туркий халқлар уларнинг ҳамжиҳатлиги, бирдамлиги ва кадр-қимматига путур етказишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларнинг ва таҳдидларнинг олдини олиш учун биргаликда ҳаракат қиладилар.

Умумий Туркий макон

Туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик “Умумий Туркий макон” тамойили асосида ривожланади ва равнақ топади.

Умумий туркий макон яқдиллик, савдо-иқтисодий алоқалардаги ҳамкорликни янада кучайтиради, инвестициялар оқимини рағбатлантиради, туркий давлатлар ўртасида транспорт алоқаларини мустаҳкамлайди, фуқароларнинг ҳаракатланишини осонлаштиради ва умумий медиа воситалари орқали ягона ахборот маконини яратишга кўмаклашади.

Туркий давлатлар Умумий Туркий маконни ривожлантириш учун кўшимча зарур чораларни кўрадилар.

Туркий меросининг умумийлиги

Туркий цивилизация жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисмидир. Туркий халқларнинг моддий ва номоддий мероси, шу

жумладан, уларнинг илм-фан, маданият ва меъморчилик ривожига кўшган ҳиссалари умумтуркий мерос ҳисобланади.

Ушбу ўзига хос меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва келажак авлодларга етказиш Туркий давлатлар учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Туркий давлатлар умумий туркий меросни ўрганиш, тарғиб қилиш, оммалаштириш ва асраб-авайлаш учун кенг ва тенг шароитлар яратадилар.

Шу мақсадда, Туркий давлатлар Туркий цивилизациянинг тарихий, маънавий ва маданий меросини тарғиб қилишга қаратилган туристик ва маданий дастурларни ишлаб чиқадилар.

Мультикультурализм ва динларга нисбатан ҳурмат

Туркий цивилизация азалдан цивилизациялар ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилган, миллатлар ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни намойиш этиб, динлар ва конфессияларга ҳурмат кўрсатиб келган.

Хилма-хиллик ва ҳамжиҳатликка асосланган уйғунликда яшаш ҳар доим туркий халқнинг асосий афзаллиги сифатида қадрланиб келган.

Умумий туркий ўзликни мустаҳкамлаш мультикултурализм ва бағрикенгликни тарғиб қилиш, турли этник ва диний гуруҳлар вакиллари тинч-тотув яшаш ва ҳамжиҳатликда ривожланишга ундайди.

Халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик

Туркий давлатлар глобаллашувнинг энг яхши ютуқларидан, жумладан, замонавий илм-фан, технология, инновация, саноат, ноу-хаулардан фойдаланиб, уларни ижтимоий ҳаёт ва фаолиятнинг барча жабҳаларига татбиқ этадилар.

Туркий давлатлар халқаро ҳамжамият, хусусан, халқаро ташкилотлар ва учинчи давлатлар билан мунтазам мулоқот ва яқин ҳамкорлик асосида глобал ва минтақавий, ўзаро боғлиқлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга салмоқли ҳисса кўшадилар.

II. ТУРКИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК

Илм фан ва ахлоқий қадриятлар

Илм-фан ва ахлоқий қадриятлар азалдан туркий цивилизация тараққиётининг муҳим ўзаги бўлиб келган.

Туркий давлатлар илм-фан ва ёш авлоднинг таълимини ривожлантиришда юксак ахлоқий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳолда “Илмдан ўзга нажот йўқ” деган ғояни ёқлайдилар ва тарғиб қиладилар.

“Шарқ уйғониши” деб ном олган биринчи ренессанснинг вужудга келишида туркий халқларнинг муҳим ролини эътироф этган ҳолда, замонавий илм-фанни, энг аввало, аниқ фанларни ривожлантиришни қатъий қўллаб-қувватлайдилар.

Умумий Туркий алифбо ва тил

Туркий давлатлар умумий алифбо ўзаро тушуниш ва одамларни бир-бирига яқинлаштиришнинг самарали воситаси эканлигини эътироф этадилар. Тарихан Туркий халқларнинг умумий ёзувдан фойдаланганлигига Орхун-Энасой ёзувлари ва бошқа манбалар гувоҳлик беради.

Умумий алифбони Туркий давлатлар ва Туркий халқларнинг миллий лингвистик хусусиятлари билан уйғунликда ривожлантиришга даъват этилади.

Туркий давлатлар Туркий Академия қошида фаолият юритувчи Умумий Алифбо Комиссияси фаолиятини қўллаб-қувватлайдилар.

Туркий халқлар тарихан умумий тилдан фойдаланганликларини эътироф этадилар, ушбу йўналишда Туркий давлатлар тадқиқот, илмий ва бошқа шунга ўхшаш фаолиятларни қўллаб-қувватлайдилар.

III. ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАЛАР

Туркий ҳамкорлик ташкилотлари

Барча туркий ҳамкорлик ташкилотлари Хартияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этадилар ва ўз фаолиятларини Мувофиқлаштирувчи қўмита орқали мувофиқлаштириб борадилар.